

## ИЧКИ ТУРИЗМ – ИНСОН МАЬНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Хидирова Гавҳар Рустамовна*  
**Доцент, Иқтисодиёт фанлари буйича**  
**фалсафа доктори (PhD)**  
**Бухоро давлат университети,**  
*gavhar.xidirova@mail.ru*

### **Аннотация:**

**Кириш.** Мақолада мамлакатимизнинг 2020 йилдан бошлаб, глобаллашув шароитида янгича ривожланиш босқичига кирганлиги учинчι ренесанс (уйғониш даври) асосида тилга олинган. Одам ва инсон тушунчаларининг бир биридан фарқланиши қайд қилинган. Маънавият тушунчаси ва унинг инсон камолоти борасидаги ўрни аниқ мисоллар асосида ёритилган.

**Тадқиқот методлари.** Мақолада умумfalсавий методлардан, назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, синтез каби усуслар кўлланилди

**Натижалар ва мунозара.** Инсон маънавиятининг одатдаги уч манбаси ҳисобланган умуминсоний, диний ва миллий қадриятлар тилга олинган ҳолда, ҳаммамизга қадрдон бўлган оила қадриятлари тўртинчи, ҳал қилувчи манба сифатида тан олинган. Ҳар бир туристик жой, тарихий обиданинг маънавий туристик бренд, яъни туристик ибрати, манфаатдорлиги, ундан баҳраманд бўлиш ҳар бир туристнинг фаҳм-фаросати, маъданиятига боғлиқлиги қайд қилинган. Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти мажмуалари тилга олинган. Мисол тариқасида Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий туристик бренди тилга олинган. Мақола охирида мамлакатимизнинг зафарли йўлига орзу умидлар билдирилган.

**Хулоса.** Ҳеч шубҳасиз, ўз кучимиз ва имкониятимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар ўлкан амалий ишларга айланиб, буюк ҳалқ харакати сифатида тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта баҳт, катта шарафдир.<sup>10</sup> Ўзбекистон давлати ва ҳалқининг жаҳон мамлакатлари олдидаги нуфузи, обрўй-эътибори янада юксалади ва такомиллашади. Ўзбекистон минтақаларида ички туризм хизматларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишини ва амалий таклифларни шакллантиришни хозирда энг долзарб ва муҳим устувор йўналишлар қаторига киритиш мумкин

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, ички туризм, маънавият, маънавият манбалари, оила қадриятлари, жойнинг маънавий туристик бренд, туристик маданият, етти пир, оила-маҳалла ҳамкорлиги.

**Кириш** Жаҳонда туризм барқорор ривожланаётган соҳаларга киради. Бунинг сабаби туризм даромад, бандлик, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини тараққиётини таъминловчи муҳим омилга айланган. Ҳалқаро туризм ташкилоти маълумотларига кўра 2019 йилда кириб келаётган туристлар сони 1.2 млрдан ошган. Пандемия GOVID-2019 оқибатида туристик хизматларга бўлган талаб бир мунча камайган. Лекин ҳалқаро эксперталар ва олимларнинг баҳоларига кўра, туризм энг қийин иқтисодий вазиятда хам тезда ўнгланиб олиши, мавжуд холатга мослашуви билан бошқа соҳалардан ажralиб туради. Жаҳон инқизози шароитида ички туризмга эътиборни кучайтирилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон ҳалқлари маънавий жиҳатдан юксалмоқда, катта ишоч, умид билан яшамоқда, турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда илм-маърифатга асосланган демократик фуқоролик жамияти қурилмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев

<sup>10</sup> Ш.М. Мирзиёевнинг 29.12.2020 йилда Ўзбекистон Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси.

рахбарлигига узоқ йилларга мүлжалланган стратегик режаларни амалга оширмоқда. Шундай истиқболли режалардан бири халқаро ва ички туризмни ривожлантириш деб тан олинмоқда, бу борада эса, кенг кўламда амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу хайрли ишларни қўллаб-куватлаган ҳолда, демокчимизки бу борада энг аввало ички туризмни ривожлантириш, ҳалқимизнинг туристик маданиятини юксалтириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бунинг аҳамиятили томонлари кўп. Биринчидан, ҳалқимиз туристик маданият, маънавиятнинг моҳиятини яхши ўрганади, етарлича малакага эга бўлади. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятидан хабардор бўлади, ватанпарварлик ғурури, туйғуси юксалади. Учинчидан, юртимизга ташриф буюрган хорижий туристларнинг қадрига етади, уларга илтифот кўрсатиш, мезбонлик қилиш зарурлигини моҳиятини чуқур англайди. Тўртингидан, ички туризм ҳалқимизни хорижга турист сифатида бориш учун ўзига хос тайёргарлик даври каби вазифасини ўтайди. Энг асосийси, турист-инсон, маънавий юксалади, тобланади, янги билимларга эга бўлади, замонавийлашади.

**Тадқиқот методлари.** Маънавият сўзи арабчадан кириб келган бўлиб, **ақл, идрок, ўзликни англаш** маъносини билдиради. Маънавият инсон дунёқарashi билан боғлиқ тушунча. Кундалик ҳаётда маънавиятили инсон, маънавияти паст инсон, маънавияти қашшоқ деган тушунчалар бор. Маънавиятили инсон, одатда ўқимишли, зиёли, мушоҳадали, босик, иймонли, ишончли инсон бўлса, маънавияти қашшоқ одам эса, одатда тарбияси паст, ишончсиз, қусурли хислатларга эга бўлган одамлардир. Бу борада энг аввало “**одам**” ва “**инсон**” тушунчаларнинг фарқига бориш ва уни англаш жуда муҳим. Одам деганда худди ўсимлик, ҳайвонот турлари каби ёввойи турлардек, ёввойи одамлардан келиб чиқсан бир биологик турдир. Ақлли одам бундан 40-50 минг йил муқаддам пайдо бўлган. Ҳозирги одамнинг дастлабки жасади Франциядаги Кромоньон горидан топилганлиги сабабли, улар кромоньонлар ёки ақлли одамлар Homo Sapiens деб аталади. Одамзода ҳайвоний ирсий ҳислатлар бир умр маълум даражада сақланиб қолади. Одам табиатнинг маҳсули. “Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, одам ўз ҳолига қўйиб қўйилса ёки унга меъёридан ортиқ индувидуал эрк берилса, унинг фаолияти устидан жамият ва давлат назорати сусайса, индувидларда ёввойлик (ўсимлик ва ҳайвонга хос) қусурлар ўз-ўзидан вужудга келаверади” (Иб. Каримов, 2007, 7 бет)

Киши ҳар қандай ёшда ва ҳар қандай мансабда бўлмасин назоратга муҳтоҷ деб бежиз айтилмаган.

Одам биологик жараёнлар асосида туғилади, ривожланади. У аста-секинлик билан, сезги органлари туфайли атрофга мослашади, ўзига хос билим ва қўнималарга эга бўлади. “Ёруглик-қоронғулик, иссиқ-совук, ширин аччиқ, яхшилик-ёмонлик каби тушунчаларни англаб етади. Хуллас, бола дастабли йилларда она кучоғида, оила бағрида эркин, қувноқ, беғубор ўсади, тарбия кўради, керакли билим, одатларга эга бўлади. Тарбия беш ёшгача, ундан кейингиси қайта тарбиядир”, деб ёзган эди машхур рус педагоги А.С. Макаренко. Бу гоянинг тўғрилиги жуда кўп мутахассис, улуғ мутафаккирлар томонидан исботланган. Шу боисдан кейинги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор берилмоқда.

Инсон тушунчаси эса нисбатан юксак мақомга эга. Инсон-жамиятлашган шахс. У жамият бағрида, у билан ҳамнафас яшайди, унинг барча қонун-қоидаларини ҳурмат қиласди ва уларни бажаради, ўзининг хукуқ ва бурчларини яхши билади. Инсонда ижтимоийлик етакчи ўринда туради. Моддият вужуд бўлса, маънавият унинг жонидир, деб таъкидлаган эди, таниқли мутафакир олим Жалолиддин Румий (1207-1273). Жамият инсонни қанча улуғласа, инсон ҳам уни шунчалик улуғлайди, унга холис хизмат қиласди. Маънавият бебаҳо номоддий бойлик. Моддиятни бирламчи деб ҳисоблайдиган марксизм таъминоти инқирозга учради. Маънавиятни бирламчи эканлиги амалда исботланди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.Каримов ўзининг мумтоз “Юксак маънавият енгилмас куч асари”да “Маънавият мазмун-моҳияти, шахсий, ижтимоий аҳамиятини батафсил ифодалаб берган. У кишининг фикрича маънавият, кўп қиррали тушунча бўлиб, инсонни руҳан покланиш,

қалбан улуғлашга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, йимон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” дейилади (И.Каримов 2011,19-бет).

Маънавиятни шакллантирадиган асосий омиллар “Маънавий мерос, маъданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар” деб ҳисоблайдилар.

Хулосалар тарзида “инсонга хос орзу-интилишларни руёбга чиқариш, унинг онгли хаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган кўшнинг икки қанотига қиёсласак, уйлайманки ўринли бўлади”, деб таъкидлайдилар. (И. Каримов, 2008й. 67 бет). Бундан сармояли инсонда, маънавият маънавиятли инсонда эса сармоя бўлиши керак деган хулосага эга бўламиз.

**Натижалар ва мунозара.** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур айтганидек хазина устида ўтирган сармоядорда маънавият бўлмаса у заҳарли илонга ўхшайди. Аслини олганда моддий бойлик инсонни инсонийликдан узоқлаштиради. Таниқли журналист Султонмурод Олим Миллий маънавиятимизнинг учманбаси борлигини қайд қиласиди ва уларга таянади (С.Олим, 1995 14-18 бети)

1) Умуминсоний қадриятлар. Инсоният тарихида шундай улуғ алломалар, мутафаккир файласуфлар яшаб ўтганки, улар қолдирган мақол-мatalлар, панд-насиҳат, ҳикматлар, асрлар биз учун фойдали ва дастури-амалдир. Бу тарихий дурдоналарни асраб авайлаб, улардан баҳраманд бўлиб, фойдаланишимиз керак, чунки биз инсонмиз уларнинг издошларимиз.

2) Ислом таълимоти маънавиятни юксалишнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Ислом дини энг ёш, мукаммал, мұтадил ҳаёт йўлидир. Ислом таълимотида инсон шахси юксак қадрланади. Исон – Аллоҳнинг Ердаги халифаси(ёрдамчиси) дейилади. Яратилган барча моддий неъматлар инсон учун, уни кўз қорочигидек асраш ҳам инсон зиммасига юқлатилган. Оллоҳнинг дастури-амали бўлган мұқаддас Қуръонда, уламоларнинг айтишича 811 марта илм олишга, 70 марта сабрга, 26 марта кибрга берилемасликга, яъни камтар бўлишга, 18 марта ота-онага иззат-икромда бўлишга, хизмат қилишга давъат қилинган экан. Диний дунёкарашда маънавият ҳамма вақт моддиятдан устун қўйилган. Пайғамбаримиз Мұхаммад а.в.с. Ҳадиси Шарифлар инсонни комилликка ундейдиган мұқаддас чакириқлардир. Ҳозирги кунда дунёда 7,8 миллиард киши бўлса, шундан мусулмонлар сони 1.6 млрд. Биз мўминлар исломий қадриятларни яхши билишимиз ва унга оғишмай амал қилишимиз ҳам фарз ҳам қарз, чунки биз мусулмонмиз.

3) Ўзбек миллий урф-одатлари учинчи манбадир. Буни миллий қадриятлар десак тўғрироқ бўлади. Улуғлар айтганларидек тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ўзбек халқи тарихида шундан ёрқин сиймолар ўтганки улардан сабоқ олмасликнинг иложи йўқ. Халқимизнинг акл-заковати, тажрибаси боис яратилган маънавий қадриятлар олtinga тенг. Бу қадриятлар исломгача ва кейинги асрларни ўз ичига олади. Салом-алек, каттага ҳурмат, кичикга иззат, адолат, саховат, меҳр-садоқат, самимийлик, раҳм-шафқат, ватанпарварлик, бағри кенглик каби қадриятлар ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган ва ҳаёт тарзига айланган. Ота-боболаримизни шахсий ибратлари бизни қувонтиради, қалбимизни ғууруга тўлдиради. Бу дурдона маънавий ибратлар исломий қадриятлар билан уйғунлашиб кетган. Биз уларга содик бўлишимиз, оғишмай амал қилишимиз лозим, чунки биз ўзбекмиз. Бу кибр эмас, инсонийликдир.

4) Бизнинг фикримизча юқорида қайд қилинган қадриятлар орасида яна ўзига хос маънавий қадриятлар манбаи борки, уни тан олмасликни иложи йўқ. Бу тўртинчи ҳаммамизга қадирдон **оила қадриятлари**дир. Оила давлат ичидаги кичгина давлат, маҳалла, жамият бағридаги кичик бир жамоадир. Бу кичгина давлатнинг подшоси, вазири, аъзолари бор. Бу тарихий ижтимоий обида, мустахкам қўрғон. Оила подшолар сўроқсиз кираолмайдиган қальадир. Ўзбекистонда 100 дан ошиқ миллат вакиллари яшайди умумтаълим мактабларда болалар етти тилда ўқитилади. Демак оилаларнинг миллий таркиби ҳар хил, сон саноқсиз миллий марказлар бор. Улар “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори асосида яшайди, ўқийди, меҳнат қиласиди.

Ҳар оиланинг эса ўз қадриятлари бор. Шу асосда оила аъзолари вояга етади, тарбияланади, катта хаётга чиқади, жамиятнинг teng ҳукуқли аъзосига айланади. Оила жамиятга аъзо етказиб берадиган муқаддас марказ. Демак жамиятни келажаги бевосита оилада яратилади. Шунинг учун оила қадриятлари алоҳида аҳамиятга эга, бу ўткир ҳақиқатни ҳеч қаҷон унутмаслик зарур. Инсон оила бағрида маънавий, эстетик, ҳукуқий, сиёсий, иқтисодий каби соҳалар буйича дастлабки сабоқларни олиши мумкин. Оилада эркин мўътадил сиёsat олиб бориш талаб этилади. Қаттиққўлик ёки юмшоқ, кўнгилчанлик қилиш ҳам ярамайди. Энг муҳими болалар истеъододи, истакларини синдириласлик уларни, касб ҳунар, соҳа танлашга рағбатлантириш зарур. Оилада ота етакчи, оиланинг ўқ илдизи, таянчи, она эса, меҳр қуёши, оиланинг асосий қўриқчиси, тарбиячисидир. Она оилада маълумотли бўлса оиланинг ҳамма аъзоси олий маълумотли деган хулосалар бежис келиб чиқмаган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оила, маҳалла институтларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшларни истеъододини юксалтириш борасида маҳсус ижодий мактаблар, президент мактаблари жорий қилинмоқда, амалий тадбирлар кучайтирилмоқда. Қатъий ишонч билан айтамизки бу амалий тадбирлар яқин йиллар ичida ўз самарасини беради, ишончни оқлади.

Унутмаслик керакки ҳозирги кунда жамиятимизда содир бўлаётган салбий оқибатларнинг катта улуши оилаларга боғлик бўлиб қолмоқда. Бундан кейин ҳам ўзбек оиласининг нуфузи, обрў-эътиборини маънавий юксалтириш чора тадбирларини кучайтириш, ҳар бир оилани муаммоларини назоратга олишга эришмоқликни истаб қоламиз. Маънавият қалб қўнгил қуёши, у инсонни ҳушёр, масъулликка, комилликга ундейди. Маънавият қўнгилга ёқилган чироқ. У орқали ўзлигимизни тушунамиз, катта хаёт билан боғланамиз, “Маънавият инсоннинг халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир” (Туленов,Faфуров, 1997, 255бет). Юксак маънавиятли раҳбар, инсон уни ижтимоий қудратли кучга айлантиради. Натижада у яратувчанлик кучига айланади, моддийлашади, пировардida миллиатнинг юксалишига имконият яратади. Юксак маънавиятга бирданига эришиб бўлмайди. Ўқиши, кузатиш, кундалик ҳаётий тажриба асосида у такомилашиб боради. “Қари билганини пари билмас” деган ҳикматни тилга олиниши бежиз эмас. Одатда “Маърифат-мағкура-маънавият-маданият”, маънавиятнинг формуласи деб талқин қилинади. Маънавият ички ва ташқи қирраларга эга. Маънавият ички (ботиний), маданият эса ташқи (зохирний) қиёфани англатади. Маданиятли инсон ўзининг ички дунёси билан гўзал, зиёли, иймонли инсондир. Маънавият инсонни инсонийликка, комилликка ундейдиган руҳий кучдир. Инсон қандай фикрласа, шундай юради деган ҳикматомуз хулосанинг мавжудлиги бунга далилдир.

Туризм сўзи бизларга француз тилидан кириб келган бўлиб, бўш вақтларда сайр қилиш, айланиб келиш маъносини беради. Аслини олганда туризм учун бир қатор шарт шароит, имкониятлар бўлиши шарт. Оила тинчлиги, иқтисодий имкониятлар, бўш вақтдан ташқари мамлакат тинчлиги, экологик хавфсизлик каби омилларнинг мавжудлиги талаб этилади. 2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёда туризм соҳасига тегишли деярли барча ташкилотлар инқизотга учради. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Демак, энг аввало туризм оиладаги эҳтиёж, маҳалла, мамлакатдаги ижтимоий мавжуд шарт-шароитлар билан уйғундир. Бунда оилада туристик маданиятнинг бўлиши етакчи ўрин тутади. Туристик жойларни танлай билиш, унга тайёргарлик қўриш, туристик шароитга мос кийим-кечаклар танлаш, йўлда, меҳмонхонада, овқатланиш жойларида, оммавий тадбирларда ўзини тутиш каби юмушларга тайёр бўлиши талаб этилади.

Фикримизча ҳар бир туристик жойнинг, тарихий обиданинг **маънавий туристик бренд** бор, яъни туристик фойдаси, манфаатдорлиги, ўзаги бор. Шундай тушунчани киритсак тўғри бўлади. Буни англаш, тушиниш, ундан баҳраманд бўлиш туристнинг фаҳм-фаросати, маданияти билан боғлик. “Кузатувчанлик буюк истеъодод”дир, дейилади адабиётларда. Тарихдан кулни эмас, чўғни олиш керак. Яъни фойдали, керакли сабоқларни олиш лозим демокчимиз. Зеро, тарих ўтмишнинг ойнаси, келажакнинг устозидир. Ҳар бир

турист бундай имкониятларни қадрлаши, самарали баҳраманд бўлиши зарур. Туризм хўжа кўрсинг учун эмас. Хуллас, ички туризм шароитида турист ҳар томонлама тобланади, маданияти юксалади, дунёқараши кенгаяди, ташқи туризмга тайёр бўлади. Туристик маданият сайёҳат даврида хотира дафтари юритишни талаб қиласди. Чунки хотирага ишониб бўлмайди, у маълум даражада унтилади. Кўнгилни қўтарадиган, ширин хотиралар эса инсон учун ҳамма вақт зарур.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш учун етарлича табиий ва инсон заковати билан яратилган туристик маскан, меъморий обидалар мавжуд. Мамлакатимиз Евросиё материгининг марказида жойлашган. Унинг 71% қисми чўл текисликлари, 29% қисми чала чўлли, адиrlару тоғлардан иборат. Ушбу худуднинг энг паст қисми Қизилкўм марказидаги Мингбулоқ чўкмасида, дунё океани сатҳидан-12метргача пасаяди. Энг баланд жойи Хисор тизмасидаги Ҳазрати Султон чўқиси (Сурхандарё вилоятида) ҳисобланади. У 4688 метргача мутлоқ баландликка эга. Ушбу ҳудудда табиий чўл, тоғ ва инсон қўли билан яратилган ландшафтларни барча типлари, турлари мавжуд. Махсус қўриқланадиган худудларнинг кўлами 23.4 минг км<sup>2</sup> дан ошади. (2008) (Давлат қўриқхоналари, табиий питомник-парвариҳоналар, давлат-миллий боғлари, давлат буюртмахоналари ва табиат ёдгорликлари). Махсус адабиётларда Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ туристик масканлар борлиги қайд қилинади. Аслини олганда бундай гўша-обидаларнинг сони беҳисоб. Биргина Бухоро вилоятида уларнинг сони тўрт мингдан ортиқ. Ўзбекистон ўзига хос, “етти мўъжиза”дек тарихий обидалари бор юрт. Факат уларнинг қадр-киммати, моҳиятини англаш, тушуниш ва улардан баҳраманд бўлиш йўлларини билиш лозим.

Ҳар бир ҳудуд бир дунё, унинг ўхшashi йўқ, такори йўқ, унинг ўзига хос туристик брендлари бор. Масалан, Бухоро вилоятида етти пир туристик зиёрат йўналиши мавжуд. Ушбу саёҳатнинг охири Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси билан тугайди. Хўш ушбу зиёрат брендси сизга қандай маънавий озука, манфаат беради? Бу авлиё алломанинг туристик бренддида қўйидаги ғоялар мужассам.

1. Аллома тарихий шахс. Бухоролик 1318-1389 йилларда яшаб ижод қилиб ўтганлар. Мовароуннахрда иккинчи ренессанс даврининг иирик вакилларидан бири. Баҳоуддин пиrimiz пок, соғлом турмуш тарзида яшаб етмиш бир ёш умр кўрганлар. Аслида бу даврда инсонларнинг умр давомийлиги жуда паст бўлган.

2. Инсонларни устози-шогирд тамойили асосида илм олишга ва қасб эгаси бўлишга чорлаганлар. Қасби бўлмаган кишилар мевасиз дараҳт деб ҳисоблаган. Устозлари Сайд Амир Миркулол (1287-1370) бўлган. Ҳаётда мұттадил йўл тутиш, яъни пайғамбаримиз Мухаммад а.в.с. айтганларидек бирёқламаликга йўл қўймаслик “Бу дунё деб у дунёдан, у дунё деб, бу дунёдан воз кечмаслик керак” деган ҳикматга амал қилиб “Дил ба ёр, даст ба кор” яъни “Дилинг оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган шиорни ўртага ташлаганлар ва шунга қатъий амал қилганлар (Қаҳҳорова, 2005 39-бет).

3. Аллома илғор фикрли диндор сифатида дарвешлик, қаландарчиликга қарши бўлганлар. Илм олишнинг ўзига хос йўли 9 арбайн, яъни тўққизта кирқ кун 9x40=360 кун (бир йил) чиллада ўзига хос, чекланган шароитда илм олишга чорлаган. Илму-амал шартига риоя қилганлар. Ҳар бир шогирд, мурид олган билимларини, тартиб-қоидаларни шахсан амалда бажарган. Ўзлари ислом таъминотига оид бир неча асарлар ёзганлар. Одамларга насиҳат қилиб, йўл кўрсатиб раҳнамо бўлганлар.

4. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шарофати туфайли Бухоро вилоятининг Когон туманида ҳозирги кунда ўзига хос кичик замонавий шаҳарча бунёд этилган. Озода, осойишта зиёратда ҳар куни ҳаёт қайнайди, унинг ўзига хос чиройли манзарали, гўзал маскан порлаб туради. Туристларнинг шиддатли иштиёқлари, интилишлари, мамнунликлари инсонларга қувонч, фаҳр, ғурур бағишилайди. Ушбу зиёратгоҳ брендидан сабоқ, ибрат олишнинг қирраларини чеки йўқ. Бош мақсад уларни англаш, баҳраманд бўлиш ва кундалик ҳаётда фойдаланишдир.

Ички туризмни амалга ошириш учун оила-маҳалла алоқаларини яхши йўлга қўйиш талаб этилади, чунки ҳар бир оиланинг дарди, имкониятларини маҳалла жамоаси яхши

билади. Маҳалладаги иноқлик қатор ижтимоий муаммоларни осонгина ҳал қилиш имкониятини яратади, қўшничиликни мустаҳкамлайди. Болага етти қўшни ота-она деган ҳикмат бежис айтилмаган. Чунки болаларни қўшилар яхши танийдилар, уларни одоби хулқ-аворидан маълум даражада хабардорлар. Ахиллик осойишталик манбаи, бу бор ҳақиқатдир. “Маҳалла – жамиятнинг ёруғ юзи ва виждони қўзгуси” дейилади, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг нутқларида. Маҳаллада ички туризмга имконияти, мойиллиги бўлган фуқароларнинг рўйхати бўлиши лозим. Бу ерда аҳолининг ижтимоий гуруҳлари бўйича, яъни ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, ногиронлар рўйхати бўлиши маъқул. Бундан ташқари, туризмга тегишли тадбирларни амалга оширишда маҳалла бошқош бўлиши маъқул. Хуллас, оила-маҳалла ҳамкорлигини бундан кейин ҳам кучайтириш лозим.

### **Хулоса ўрнида қўйидагиларни қайд қилиш жоиз.**

1. Мамлакатимиз жадаллик билан ривожланаётган даврда туризмни ривожлантириш лозим экан, биринчи навбатда ички туризмни ривожлантиришга ургу бериш лозим. Юқорида қайд қилинганидек унинг афзаллик томонлари кўп.

2. Миллий маънавиятимизни юксактиришда унинг умумбашарий, диний ва миллий қадриятларидан ташқари, оиласий қадриятлар борки, у миллий қадриятларимизни юксалтиришда ҳал қилувчи ўрин тутади.

3. Ҳар бир туристик жойнинг, тарихий обиданинг ўзига хос ибратли маънавий туристик бренди бор. Уни англаш, тушуниш ва ундан баҳраманд бўлиш ҳар бир туристнинг фаҳм-фаросати ва маданияти билан боғлиқдир.

### **Фойдаланган адабиётлар.**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. Тошкент, 29.12.2020.
2. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. Иккинчи нашри Тошкент. Маънавият; 2011, 176 бет.
3. Каримов Иброҳим. Ноосфера, геосиёsat ва мафкура. Тошкент. “Фан”, 2007, 208 бет.
4. 96 мумтоз файласув. Жалолиддин Румий. Тошкент. “Янги аср авлоди”, 2009, 208-210 бетлар.
5. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент, “Янги аср авлоди” 2006, 24 бет.
6. Султонмурод Олим. Маънавият – масъуллик. Тафаккур, №3-4, 1995, 14-18 бетлар.
7. Туленов Ж.,Faфуров З. Фалсафа. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997, 384 бет.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12-жилд. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006, 712 бет.
9. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза. Тошкент, Chinor ENK, 2008, 288 бет.
10. Қаҳхорова Ш.Б. Фалсафага кириш. Тошкент, 2005, 60-бет.